



Бундан икки минг йилдан кўпроқ вақт олдин Карфаген армияси Римга катта зарба берди. Бу галаба шунчалик мукаммал эдики, айрим тарихчилар уни "идеал маглубият" деб аташади. Канна жангида машҳур саркарда Ганнибал жанговар стратегия бўйича хақиқий маҳорат дарсини ўтказди ва тарихдаги энг кўп қон тўкилган жангни амалга оширди.

Канна жанги ва ўлим кўрсаткичлари

Хар асрда кўплаб қонли жанговар тўқнашувлар содир бўлган, аммо Канна жангидаги ўлим даражасига яқин келган жанглар жуда кам. Замонавий армиялар ўта самарали ва қонли бўлиши мумкин, аммо тиббий ёрдам ва катта микдордаги ҳарбий куч туфайли ўлим кўрсаткичлари паст бўлади.

Киёс учун:

- Геттисберг жанги (АҚШ тарихидаги қонли тўқнашувлардан бири): ўлим даражаси 4,75%.
- Окинава жанги (Япония, Иккинчи жаҳон уруши): ўлим даражаси 35%.
- Канна жанги (216 йил милoddан аввал): ўлим даражаси 52,5%.

Бу жангда иштирок этганларнинг ярмидан кўпи халок бўлган, асосий йўқотишлар Рим армиясига тегишли бўлган.

Ганнибалнинг тактик маҳорати

218 йил милоддан аввал Ганнибал харбий тарихдаги энг ажойиб ҳаракатлардан бирини амалга оширди. У ўз армиясини Иберия ярим оролидан (ҳозирги Испания) Италиянинг шимолигача етаклаб борди. Бу галати ва гайритабиий ҳаракат Римни хайратда қолдирди. Филлар билан қорли Альп тоғларини кесиб ўтиш кўпчиликнинг тасаввурини хайратга солганди.

Каннага етиб келган Ганнибал римликларнинг катта армиясини деярли тўлиқ қириб ташлади ва тарихий тўқнашувда ном қолдирди.

Сонлар ва йўқотишлар

- Жами аскарлар: 136 000
- Рим армияси: 86 000 (6 000 отлик)
- Карфаген армияси: 50 000 (10 000 отлик)
- Халок бўлганлар:
- Римликлар: 48 000–85 000
- Карфагенликлар: 5 000–5 900

Дастлабки манбаларга кўра, жангдан фақат 770 римлик қутулган, бу эса 85 230 римликнинг халок бўлганини кўрсатади. Бошқа манбалар эса кўпроқ реал рақамларни келтириб, 15 000 римлик қочганини, бошқалар эса асирга тушганини таъкидлайди.

Канна жангида ўлим даражаси 52,5% деб баҳоланади. Хатто энг кам баҳоларга кўра ҳам иштирокчиларнинг 40%и халок бўлган. Римликларнинг йўқотиш даражаси 95% дан ошиб кетган, бу эса ушбу жанг тарихдаги энг қонли воқеалардан бирига айланган.

Канна жангидаги юқори ўлим даражаси бир нечта сабабларга боғлиқ:

1. Копконга тушириш тактикаси

Ганнибал илк бор тарихда душман армиясини ўраб, уни тўлиқ қириб ташлаш учун "копкон" тактикасини қўллади. Римликлар унинг марказий қўшинлари заиф, деб ўйлаб, олдинга ҳужум қилишди. Бунинг натижасида Карфаген армияси уларни икки томондан ўраб, қочиш йўлларини тўсди. Бу янги ва қўтилмаган стратегия эди, шунинг учун римликлар унга қарши ҳеч қандай самарали чора кўра олишмади.

2. Олиб қўйилган қочиш имконияти

Кочиш йўллари тўлик блокланганлиги сабабли, римликлар жанговар кўшинларни қайта тузиб, химояни ташкил қилишга улгуришмади. Тартибсизлик ва саросима ўлим даражасининг кескин ошишига олиб келди.

3. Ганнибал армиясининг самарадорлиги

Карфаген армияси уруш учун яхши тайёрланган ва манёврлардан самарали фойдаланган. Рим армиясида кўпчилик бўлса-да, уларнинг ўрталарида ташкилийлик йўқ эди, бу уларнинг маглубиятини тезлаштирди.

4. Бруттал жанг шароити

Замонавий урушлардаги кўплаб куроллар мавжуд эмасди: танклар, самолётлар ёки зобитларга ўқ узиш куроллари йўқ эди. Бу жангда энг самарали курол – аскарларнинг кўлларидаги шамшер ва найза эди. Жангларнинг бундай якин масофада ўтиши халок бўлганларнинг кўпайишига сабаб бўлди.

5. Карфаген кўшинларининг юкори устунлиги

Ганнибал армияси римликларни 10:1 нисбатда йўқ қилишга эришган, бу уларнинг юкори харбий махоратини кўрсатади. Рим кўшинлари маглуб бўлиб, кўплаб аскарлари хаётдан махрум бўлди.

6. Ўлимга ҳеч қандай альтернатива йўқлиги

Кочиш йўли ёки таслим бўлиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, римликлар куролсиз холда қирилиб кетишди. Улар орасида на муҳофаза, на қарши ҳужум ташкил қилиш имконияти бўлди.

Натижа ва аҳамияти

Канна жанги нафакат харбий тарихдаги энг катта йўқотишларни кўрсатган, балки келажакдаги жанговар стратегияларни яратишга ҳам асос бўлган. Ганнибалнинг "қопкон тактикаси" ҳозирги замонгача харбий стратегиялар ва таълимотларда ўрганилади.

Абу Муслим